

Зино ва фаҳшга йўлиққанларнинг сўзлари ва уларга жавоблар (йигирма еттинчи мақола)



11:00 / 21.12.2020 3844

Афсусда қолган ота: Мен фарзандлари катта бўлиб қолган инсонман. Ижтимоий тармоқларда турли ҳил инсонлар билан гаплашиб турар эдим. Кўпгина «дўстлар» ҳам орттирган эдим. Шундай «дўстлар»лардан бири аёл киши бўлиб, у мени қизиқтирар эди. У билан турли мавзуларда суҳбатлашар эдик. Суҳбатларимиз дўстона суҳбат эмас, бошқачароқ эди.

Бир куни гаплашиб ўтирдик ва бир-биримизни ижтимоий тармоқ орқали компьютер экранида кўришга келишдик. Компьютерим экранига ўша аёл улангач, бир-биримизни кўриб турганимизда не кўз билан қарайки, мен билан ижтимоий тармоқ орқали суҳбатлашиб юрган аёл ўзимнинг қизим экан!

Жавоб: Ҳайрону-лол қолдирувчи ҳодиса!

Аввало ўзингиз номаҳрамлар билан алоқангизни узинг. Исломни билиб, унга амал қилинг. Қизингизга ҳам динни ўргатинг, тарбия беринг ва «мен сени текшириш учун ижтимоий тармоқ орқали сен билан бегона киши сифатида танишганман» деб айтинг. Агар қизингиз ростдан хабардор

бўлиб бўлган бўлса, унга ўзингизни ҳақиқий, фидоий, диндор ота ўзини қандай тутса, шундай тутиш ила унга намуна бўлишдан бошқа чорангиз йўқ.

Ижтимоий тармоқлар сабабли фаҳшга, зинога кириб қолаётганлар кўп учрамоқда. Инсон ҳар бир нарсадан фақат яхшилик ила фойдаланиши лозимдир.

(Давоми бор)

Афзал Аброр таржимаси